

IN MEMORIAM

ГАЗИЕВА ДИЛОРОМ ИСРОИЛОВНА ХОТИРАСИГА (1940-2018)



Дилором Газиева 1940 йил 14 июнда Тошкент шаҳрида таваллуд топган эди. У 2018 йил 13 мартда оғир касалликдан кейин умр йўлдоши, касбдоши ва фарзандининг отаси Ўзбекистон Миллий университетининг инглиз тили ўқитувчиси Одил Мусаевич Газиев билан бирин-кетин оламдан ўтди.

У Тошкент давлат чет тиллари педагогика институтининг инглиз тили факультетини 1958 йилда муваффақиятли томонлагач, Андижон вилоятида 3 йил давомида мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлади. У ердан 1961 йилда Тошкентга қайтиб келиб, мазкур институтнинг инглиз тили факультетида ўқитувчилик фаолиятини бошлади ва умрининг сўнгги кунигача ёшларга инглиз тилидан чуқур билим берди, умрини ёшлар тарбиясига, шогирдлар тайёрлашга бағишлади.

У бир неча йиллар давомида инглиз тили факультетида кафедра мудир сифатида фаолият кўрсатди. Ўша даврларда ўз атрофига инглиз тилидан ўқитувчи бўламан деган ёшларни тўплади, уларга инглиз тили ўқитувчисининг машаққатли, аммо шарафли касб эгаси бўлишнинг сирларини, дарсга тайёргарлик кўриш, материал топиш ва талабалар ўртасида ўқитувчиси сифатида обрў ва ҳурматга сазоворга эга бўлишнинг сирларини ўргатди. Уларга зарур маслаҳатлар берди, қўлланмалар тузди ва ёш ўқитувчиларга ҳам қўлланмалар тузишда яқиндан ёрдам берди.

Дилором Газиева, асосан, қуйи курсларда дарс берарди. Зарур бўлса, гуруҳдаги ҳар бир талаба билан алоҳида дарс ўтарди, уй вазифаларни эринмасдан ҳаммадан бирма-бир сўраб чиқарди, касбини севганлигидан, гуруҳидаги талабаларнинг инглиз тилидан билимлари чуқур бўлишини хоҳлаганидан вақт билан ҳисоблашмасди, доим уни талабалар билан ишлаётганининг шоҳиди бўлиш мумкин эди.

Дилором Газиева университет жамоаси олдида талабаларга ва ёш ўқитувчиларга нафақат устоз ёки ўқитувчи, балки меҳрибон она, тўғри йўл кўрсатувчи маслаҳатгўй тарбиячи, кези келганда қаттиққўл ўқитувчи сифатида маълум эди.

Дилором Газиевнинг ўлими Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоасини жуда катта қайғуга солди. Билимдон, бутун умрини ўқитувчиликка бағишлаган, талабаларнинг тарбияси ва чуқур билим

олишига, мамлакатимизга юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлашда улкан ҳисса қўшган жонқуяр педагог Дилором Исроиловна Газиеванинг порлоқ хотирасини университет жамоаси доим ёдда сақлайди.

Дилором Газиеванинг жойлари жаннатда бўлсин, Худо раҳмат қилсин ва охиратлари обод бўлсин!

Н.М. Қамбаров

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори